

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУГЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДЖИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВ НОСИР НУРМАНОВИЧ

КАРТОШКА НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ,
ХОСИЛДОРЛИГИ ВА УРУГЛИК СИФАТИГА СИДЕРАТ ЭКИНЛАРИНИ
ҚўЛАШНИНГ ТАЪСИРИ

06.01.08 - Ўсимликшунослик

ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ФААЛЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Contents of abstract of doctoral dissertation (DSc)

Усманов Носир Нурманович

Картошка навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатига сидерат экинлари кўллашнинг таъсири..... 3

Усманов Носир Нурманович

Влияние применения сидератных культур на рост, развитие, урожайность и семенные качества сортов картофеля 29

Usmanov Nosir Nurmanovich

Influence of application of green manure crops on growth, development, yield and seed quality of potato varieties 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
 List of published works..... 59

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУГЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВ НОСИР НУРМАНОВИЧ

КАРТОШКА НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ,
ХОСИДДОРЛИГИ ВА УРУГЛИК СИФАТИГА СИДЕРАТ ЭКИНЛАРНИ
ҚўЛЛАШНИНГ ТАЪСИРИ

06.01.08 - Ўсимликшунослик

КИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2021



Книшлок ҳужжатини фанлар бўйича фан достарлик (FSc) диссертацияси мақсути
Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2021.LDS/Qs175 рақам билан рўйхатга олинган.

Доктерлик диссертацияси Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (русча)) Илмий кенгаш веб-сайдосида www.rusyulfi.uz ва «ZiyoNet» Аxbарот тaълим порталига www.ziyounet.uz joylashtirilgan.

Илмий маслаҳатчи:	Остонакулова Таштемир Эшматович книшлок ҳужжатини фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Атабаева Хазина Назаровна книшлок ҳужжатини фанлари доктори, профессор
	Орипов Раҳим Орипович книшлок ҳужжатини фанлари доктори, профессор
	Саманов Собир Тойирович книшлок ҳужжатини фанлари доктори, доцент
Етажим таъинловчи:	Авдиқов кншлок ҳужжатини ва агротехнологиялари институти

Диссертация асосида Пахта селекцияси, уруғчилик ва етказириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DS-05/30.12.2019 Qs.42.01 рақамли илмий кенгашига 23
12 2021 йил оаг 9 даг мақсотида бўлиб ўтди. Матри: 111202, Тошкент вилояти,
Қабрай тумани, Ботаника М.Ф.И., ЎзИПТИ «Ҷумса, ПСУЕАНПИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс:
(+99871) 150-61-37. E-mail: rahimz@yandex.ru.

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилик ва етказириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтига Аxbарот ресурс марказида танишиш мумкин (118 рақам билан рўйхатга олинган). Матри: 111202, Тошкент вилояти, Қабрай тумани, Ботаника М.Ф.И., ЎзИПТИ а'чмас, ПСУЕАНПИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2021 йил 9 12 куни тарқатилди.
(2021 йил 9 12 даги 12 рақамли реестр бойномаси).



Уфоссов Ш.Н.Нурматов
Илмий даражадан берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор

Хасанов Ф.М.Хасанович
Илмий даражадан берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.д., профессор.

Ахмедов Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражадан берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Картошқаччилик - дунё деҳқончилигида етакчи тармоқ бўлиб, экин майдони 17,6 млн. га, янги ҳосил эса 368,2 млн. тонна, ўртача ҳосилдорлик 20,9 т/га ни ташкил этмоқда. Картошқаччилик ривожланган мамлакатлар Хитой (96,1 млн. тонна), Хиндистон (45,4 млн. тонна), Россия (35,1 млн. тонна), Украина (23,7 млн. тонна), АКШ (20,05 млн. тонна), Германия (11,8 млн. тонна), Бангладеш (9,45 млн. тонна), Польша (8,2 млн. тонна), Франция (8,02 млн. тонна), Нидерландия (7,1 млн. тонна) ҳисобланади. Дунёнинг 11 мамлакати Қувайт, Нидерландия, Бельгия, Лиги Зеландия, Бууюк Британия, Дания, АКШ, Германия, Ирландия, Швейцарияда ҳар гектардан олинadиган картошка ҳосилдорлиги 40,3-67,5 тонна ва undan зиёдда ташкил этди. Энг кам ҳосилдорлик Камерун (3,0 т/га), Нигерия (3,4 т/га), Конго (4,6 т/га) ва Боливияда (5,5 т/га) олинadи»¹. Дунё деҳқончилигида сидерат экинлар биомассасини сидерат сифатида қўллаш орқали туپроқ унумдорлик хоссалари яхшиланиб, картошка навларининг ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатини оширишга эришилмоқда.

Дунёда озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортишида озик-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган, туپроқ унумдорлик хоссаларини яхшилайдиган, картошка навлари ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатини оширишда алмашляб экин теинида сидерат (асосий, қоплама, оралик экинлар, ем-хашак сифатида) экинлардан фойдаланишда турли туپроқ-идлим шарoитларига мос сидерат экинлар турини аниқлаш, юкори биомасса ва уруғлик ҳосиллига эришиш, уни яшил ўғит қилиб қўллаш агротехникасини ишлаб чиқиш ва уни муvтазам тақомиллаштиришини тақозо этмоқда. Шунинг учун сидерат экинларни экин муддатлари, яшил массасини сидерат қилиб қўллаш орқали туپроқ унумдорлиги ҳамда картошка ҳосилдорлиги, уруғлик сифатини яхшилаш ва оширишда сидерат экинлардан фойдаланишнинг самарали амалиётини жорий этиш каби устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб бoриш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республика, шу жумладан картошқаччилик ривожланаётган Қашқадарё вилоятида етиштирилаётган картошка миқдoри аҳоли талабини қондира олмайдди. Шунинг ҳисoбига олиб, Республика ҳукумати томондан оливлар зиммасига серҳосил, касалликларга чидамли, таъми ва сакланувчанлиги юкори, замонавий технология ва маҳаллий шарoитларга мос картошка навларини яратиш бўйича тадқиқотларни ривожлантириш ва уруғчилишини ташкил қилишда анъанавий ташлаш усули билан бир қаторда аста-секин жадаллашган технологияк усул асосида вируслардан холи уруғлик етиштириш, картошка маҳсулоти билан аҳолини тўлиқ таъминлаб, четта экспорт қилишдек улкан вазифалар турибди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”² ги фармонида муҳим стратегик вазифалар белгиланган. Картошқаччиликда қўлланилиб келаётган

¹<http://www.uzhik.com/uz/2018/01/24/2406-uzhik-potato-cultivation-structure/>; <http://www.uzhik.com/uz/2018/01/24/2407-uzhik-potato-cultivation-structure/>

²<http://www.uzhik.com/uz/2018/01/24/2408-uzhik-potato-cultivation-structure/>

³ Таълим ва Фан Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони <http://lex.uzhik.com/240706>

кўска завбатли алманшаб экинда туپроқ табиий унумдорлигини саклаш ва оширишда сидерат экинларнинг ахамияти инҳоятда катта бўлиб, бу агротехник тадбирлар биринчидан – туپроқни озик моддаларга бойитиб, табиий унумдорлигини саклайди ва оширади, иккинчидан - аллелопатик хусусиятга эга бўлиб, туپроқ механикавий, сув-физик, агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссаларига инҳобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун қадимдан суғориладиган типик бўз туپроқлар шаронгда картошка етиштиришда сидерат экинлар биомассасидан сидерация сифатида фойдаланиш бўйича талонкотлар ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4704-сон 2020 йил 6 майдagi “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда ПҚ-5009-сон 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўъжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолитта тетишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларида мөсалиги. Диссертация тадиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қашпоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадиқотлар шарҳи. Ёзги ва кузги муддатларда сидерат экинлар биомассасидан турли муддатларда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори сифатли ва экологик тоза ҳосил олишда сидерация сифатида қўллан ва бирлашчи уруғлик етиштириш мақсадларида фойдаланиш, уларни картошкачиликда қўллаш технологияларини ишлаб чиқишга йўналтиришган илмий излавишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, International Potato Center (CIP) (Peru), National Institute of Food and Agriculture (NIFA) (AQSh), Wageningen University (Niderlandiya), Dutch Potato Center (Germaniya), National Institute of Research and Development for Potato and Sugar Beet Brasov (Ruminiya), Potato Research Institute Havlichkuv Brod (Chexiya), Central Potato Research Institute (CPRI) (Indiya), Potato Germplasm Enhancement Laboratory (Japan), Yunnan Potato Research Institute (China), А.Г.Лорх номидаги Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадиқот институти (Россия), Украина фанлар академияси қошидаги Картошкачилик институти (Украина), Беларуссия картошкачилик, сабзавотчилик ва мевачилик илмий-тадиқот институти (Белоруссия), Қозғоғистон сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-тадиқот институти (Қозғоғистон), Сабзавот, поллиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда туپроқ унумдорлиги ва картошка ҳосилдорлигини, янада ўғитлар (сидерация) самарадорлигини ошириш технологиясини такомиллаштиришга тадиқотлар натижасида оралик ва такрорий экинларни турли муддатларда етиштириш технологиясини ишлаб чиқилиб, уни қўллаш ҳисобига картошка ҳосили 25-40 фошга, тосар ва уруғбор ҳосил, юқори қўнайиш коэффициенти ва

ҳосил чикимига ҳамда сифатини оширишга ҳам эришилган, яшил ўғитларнинг ўсимликдаги физиологик-биокимёвий жараёнларга ижобий таъсирни аниқланган.

Дунёда туپроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, яшил ўғитлар самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги услувор йўналишларда: туپроқнинг органик таркибинини бойитиш; юқори яшил масса ҳосил қилувчи сидерат экин турлари ва экин муддатларини танлаш, уларни етиштириш агротехникасини такомиллаштириш; турли сидератларнинг туپроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда, туپроқнинг механикавий, агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларини яхшилашдаги ўрин; туپроқ хоссаларини яхшиловчи агротехнологияларини ишлаб чиқиш борасида тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Муаммонинг ўрганилаганлик даражаси. Республикамиз шароитида алмашлаб экин, сидерациянинг туپроқ унумдорлиги ва хоссаларига, картошка, гўза, гилла экинлари ва бошқа экинларнинг ўсини, ривожланишига ҳамда ҳосилдорлигига таъсир Н.Н.Балашев, А.Кашаров, Е.П.Горелов, Р.Орипов, Р.Ш.Телляев, Б.М.Халиков, Ф.Б.Намозов, И.Эрвазаров, Н.Х.Халилов, А.А.Иминов, Ю.Ч.Кенжаев, Ю.Дарабаев, И.А.Дорман, А.Машахонов, М.А.Белоусов, С.Г.Головченко, В.П.Кузнецов, Х.Ф.Ботиров, Т.Э.Остонакулов, А.Х.Ҳамзаев, Дж.Ёдгоров, М.И.Копонова, Н.А.Димо, И.И.Мадраимова, хориж олимлари Е.К.Алексеев, А.М.Бердяков, В.П.Косьянчук, Н.Д.Бибик, К.В.Попкова, А.С.Воловик, Ю.И.Шнейдер, В.А.Шмыгля, В.Е. Wiggins., L.L Kinkel, R.A. Boydston, A. Hang, E.J Butterfield, O.C. Huisman, D.O. Everson, J.R. Davis, A.T. Schneider, L.H. Sorensen томонидан кенг қамровли илмий изланишлар ўтказилган.

Кейинги йилларда суғориладиган ерларда картошка+оралиқ экин+кузги дон экинларини навбатлаб экин тизимининг тадбиқ этилиши сидерат экинларининг туپроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигига самарали таъсирини ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти ортиб бормоқда, буни картошка ва кузги дон экинларини навбатлаб экин тизимида картошка+оралиқ экинларни парвартишда туپроқ-иклим ва ҳўжалик шароитларидан келиб чиққан ҳолда сидерат экинларини мақбул турларини белгилаш, турли (ёзги ва кузги) муддатларда етиштиришда экин муддати ва меъёрларини аниқлаш, сидерациядан сўнг экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда туپроқ унумдорлиги сақланишини таъминлайдиган изланишлар талаб этилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институтининг “Картошка жадон генофондини сақлаш, бойитиш асосида ҳосилдор, вирусдан айбониларга чидамли, ҳосил экологик тоза, сақланувчан навларни яратиш, бирламчи уруччиликни такомиллаштириш №КХА-8-006-2015 ҳамда “Республика турли туپроқ-иклим ҳудудларига мос картошка, сабзавот (шири) мақкажўҳори, кулжабоқар, батаг ва тошнамбур (ер ноки) нав ва дурағайларини яратиш №КХ-А-КХ-2018-270-рақамли мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида 2016-2020 йилларда бажарилди.

Тадқиқот мақсади. Қашқадарё вилоятининг қадимдан суғориладиган тивик бўз туپроқлари шароитида ёзги ва кузги сидерат экинлар биомасса

ҳосилдорлиги ва сидерат экинларини уруғлик утути экин муддатлари ва уруғ ҳосилдорлиги, сидерат экинлар массаси қўлланилганда картошка навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатига ҳамда туپроқ унумдорлигига таъсирини ўрганиб, барқарор юқори уруғбой соғлом ва соф ҳосил олиш имконини берувчи истиқболли сидерат экин турлари ва картошка навларини ажратиб асосида етиштириш технологиясини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Қашқадарё вилоятининг қадимдан сугориладиган типик бўз туپроқлари шароитида турли сидерат экинлар парваришланганда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, биомасса ва уруғлик ҳосилдорлигини аниқлаш;

сидератларнинг туپроқ механик таркиби, агрофизикавий, агрохимёвий, сув хоссаларига, бегона ўталар ва ёмғир чувалчанглири сонига таъсирини картошка пайқалида аниқлаш;

картошка тенгшар ва ўртатезишлар навларининг ўсиши, ривожланиши, барг сатҳини ҳосил бўлиши, туганак шаклланиши, товар ва уруғбой ҳосил чикимига, кўпайиш коэффициентига сидерат экинларнинг таъсирини ўрганиш;

уруғлик туганак ҳосил сифатига ва ўсимликнинг экологик ҳамда вирусли айбни билан касалланишининг сидерацияга боғлиқлигини баҳолаш;

турли сидерат экинлардан сўнг етиштирилган картошка навларининг ҳосили ёзда янги ковланган, тушакларидан иккинҳосилли экин сифатида ўстирилганда дала унумчанлиги, маҳсулдорлиги, вируслар билан касалланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини белгилаш;

сидерация қўлланилганда ўстирилган картошка навларининг кейинги репродукциясида картошка навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, товар ва уруғбой туганаклар чикими ҳамда кўпайиш коэффициентига таъсирини аниқлаш;

истиқболли сидерат экинлар ва картошка навларини картошкачиликда фойдаланишининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг қадимдан сугориладиган типик бўз туپроқлари, кузги рапсининг “Немерчанской-2268”, майли турининг “Радуга”, кўк хангалнинг “Юбилейная”, арпанин “Темур”, горох (кўк вўхат)нинг “Восток-55” навлари, картошканинги тенгшар Қувонч-1656 м, ўртатезишлар Бахро-30, Бардошли-3, Sante, Kondor, Arizona ва Savioла навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Қадимдан сугориладиган типик бўз туپроқлар шароитида турли сидератларнинг картошка навлари ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатига ҳамда туپроқ унумдорлигига таъсирини, сидерат экинларни ҳар хил муддатларда уруғликка етиштириш агротехникасини ўрганиш, истиқболли сидерат экинлар ва картошка навларини танлаб, юқори, сифатли ва арзон уруғбой ҳосил олиш имкониятларини ўрганишдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва инлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, экин, экинларни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумий қабул қилинган кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Бутуирроссия ўсимликшunosлик институти, Бутуирроссия картошка хўжалиги илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон сабазот, помидор экинлари ва картошкачилик илмий

тадқиқот институти, кишлоқ хўжалик эканларининг янги навларини синаш бўйича Давлат комиссияси кабилар услуби ҳамда тавсиялари асосида олиб борилган. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари Б.А.Доспехов услублари бўйича Microsoft Excel дастури ёрдамида математик статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий натижаси. Қашқадарё вилоятининг қадимдан сугориладиган типик бўз тупроқлари шароитида илқобор турли сидерат эканларининг ўсиши, ривожланиши, яшил масса ва уруғ ҳосили бўйича баҳоланган ва истиқболли сидерат (риси, мойли тури, арча, гороҳ, кўк хантал, гороҳ+мойли тури) экан турлари танланган;

тоза ва аралаш экилган сидерат эканларининг ўсиши (ўсимлик бўйи 71,6-219,6 см), ривожланиши (1 м² да туپ сони 103,4-556,2 дона), биомасса (19,3-35,1 т/га) ва уруғ (равсада - 22,7-24,3 ц/га, кўк ханталда - 17,8-19,6 ц/га, мойли турида - 22,0-23,5 ц/га, гороҳ (кўк кўхат)да - 26,7-28,6 ц/га, арчада - 83,0 - 85,1 ц/га) ҳосилдорлиги аниқланган;

тупроқ ҳайдов қатламида макроагрегатлар улуши 13,4-25,9% га ошганлиги, микроагрегатлар эса 24,7-27,6% га камайгани, ҳажм массаси 1,23-1,31 г/см³ га камайгани ва суз ўтказувчанлиги 71,0-124,7 м³/га ошганлиги ва гумус - 1,17-1,22; нитрат азоти 12,38-33,56, ҳаракатчан фосфор - 31,37-43,25, алмашинувчи калий - 311,4-326,2 мг/кг га ортганлиги, бегона ўтлар миқдори 7,4-17,5% ёки I ва II-балдан ошмаганилиги, ёмғир чувалчанлари сони 3,1-6,3 бароварга ортганлиги ўрганилган;

турли картошка навларининг ривожланиши (ўсув даври 2-10 кунга узайган, балиқдўйли 67,2-83,6; серпояли 4,2-5,7 ёки 1,1-1,8 донга зиёд; барг сатиши (69,6-72,1 минг м²), бақувват палак (404,4-495,3 грамм), соғлом туپ ва ҳосилнинг шаклланиши (туғанақ ҳосили 617,5-998,8 грамм, туғанақлар сони 6,7-11,2 донани, битга туғанақ ўртача вазни 76,2-93,1 грамм), ҳосилдорлик (30,7-39,6 т/га ва шундан товар ҳосил 29,8-39,1, айинмаган уруғбол туғанақлар ҳосили 21,2-29,2 т/га, кўтайиш коэффициенти 6,4-8,6 дан зиёд) сифатида сидератларнинг таъсири асосланган;

сидерат эканлар қўлланилгандан сўнг картошка ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифати, иккиҳосилили экан сифатида ўстирилганда дала унумчанлиги (95,8-98,6%), маҳсулдорлиги, вируслар билан (очиқча: 7,6-8,8, яширинча: 23,3-26,7 фенга) касалланиш ва ҳосилдорлиги (21,5-31,0 т/га, айинган туғанақлар салмоқи 3,3-4,1% дан кам) ўрганилган ва муайян шароитда макбул сидерат эканлардан сўнг эканга мос картошканинг ўртагецишлар истиқболли навлари ажратилган;

истиқболли сидерат (гороҳ, кўк хантал ва гороҳ+мойли тури билан аралаш долба) эканлардан сўнг картошка навларини ўстириб, юқори сифатли уруғбол (21,2-29,2 т/га) ҳосил олиш имконияти иқтисодий ва статистик жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Қашқадарё вилоятининг қадимдан сугориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ёзги ва кузги сидерат эканлар биомассасини сидерация учун ҳамда кузги ва баҳорги сидерат эканларни уруққа етиштириш натижасида ердан, кўёш энергиясидан яна давомиди узлуксиз ва самарали фойдаланиш, уларнинг биомасса ҳосилига боглик ҳақда турли сидерациядан сўнг картошка навларининг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатига илқобий таъсири

аниқланган;

кузги дон экинларидан сўнг сидерация учун қулай экин муддатлари: ёзи сидерат экинларининг уруғи 26-28 июлда, кузги сидерат экинларининг уруғи 14-19 октябрда, юкори биомасса олиш учун экин меъёрлари: кузги раис - 16 кг/га, арпа - 160 кг/га, горох(кўк пўхат) - 70 кг/га, мойли турп - 20 кг/га, кўк хантал - 14,0 кг/га ва аралаш вариантларда 50% дан (ярим) эканлиги аниқланган. Сидерат экинлардан юкори сифатли уруғ олиш учун қулай экин муддатлари: кузги раис, арпа, мойли турп ва кўк хантал кузги муддатда 20-24 октябрда, горох (кўк пўхат) 15-20 октябрда, эрта баҳорда 7-10 февралда, кузги ва эрта баҳорги муддатда экин меъёрлари: кузги ва баҳорги раис - 6,5-8 кг/га; арпа - 150 кг/га; горох (кўк пўхат) - 65 кг/га; мойли турп - 15 кг/га; кузги ва баҳорги кўк хантал - 5-6 кг/га эканлиги аниқланган;

Ёзи муддатда сидерат экин қилиб раис, горох, кўк хантал ва горох+мойли турп аралаш ҳолда экилиб, биомассаси сидерация қилиб қўлланилганда картошка нааларининг ҳосилдорлиги гектардан 26,7-36,7 тоннага ёки назорат (кузги шудгор)га нисбатан наалар бўйича гектардан 4,3-9,0 тонна ёки 19,2-32,5% га, кузги муддатда сидерат экин қилиб раис, горох (кўк пўхат), кўк хантал соф ва горох+мойли турп аралаш ҳолда экилганда яшил массаси сидерация қилиб қўлланилганда сўнг ўрганилган картошка ўртагачишар навалар ҳосилдорлиги гектардан 28,1-39,6 тоннага ёки назоратга нисбатан 4,6-11,4 тонна қўшимча ҳосил олишга эришилган;

Ёзи ва кузги сидерат экинлари ястириши, биомассасини сидерация қилиб қўллаш туپроқ унумдорлигининг сақланиши ва ошишига, турли сидератлардан сўнг картошка навлари ўсиш ва ривожланиши хўшилланиши ҳисобига товар ва уруғбон ҳосиллини юкори бўлиши рентабеллик даражасига ижобий таъсир кўрсатган, ёзи сидератлар (горох, кўк хантал соф ва горох+мойли турп аралаш ҳолда) қўлланилганда 84,4-111,8%, кузги сидератларда эса 92,1-114,4% бўлиши шикланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Ўтказилган тадқиқот натижаларида дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги, махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг аниқлик даражаси, улар математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги, диссертация шикда қўлланилган услуб ва тадқиқотларнинг бажариллишига мослиги, олинган натижаларнинг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, мақолали нувоасалар томонидан тадқиқот натижаларининг самарали эканлиги ва амалиётга жорий этилганлигининг тасдиқланганлиги, адабиётлар таҳлилида келтирилган маълумот ва иқтибесларнинг ҳаққонийлиги, тажрибалар натижаларининг ишончлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кадимдан сўғориладиган типик бўз туپроқлар шароитида турли муддатларда қўлланилган сидерат экинларининг картошка пайкали туپроқ унумдорлиги, бегона ўтлар билан ифлосланиши, ҳар хил навалар ўсиши, ривожланиши, махсулдорлиги, ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишда илмий маълумотлар тўплаганлиги ҳамда туپроқ унумдорлиги ва картошка навлари ҳосилдорлиги, товар ва уруғбон ҳосил сифатини бевосита қўлланилган агротехник тадбирлар тизимига боғлиқ ҳолда ўзгариши илмий жиҳатдан

асосланганлиги билан изоҳланади;

Амалий аҳамияти эса, муайян шароитда мақбул сидерат экинлар турлари ва муддатлари аниқланиб, уларни турли муддатларда тоза ва аралаш ўстирилганда яшил масса ва уруғ ҳосилдорлиги ҳамда картошка уруғлик сифати, вирусли ва экологик айниш билан касалланишга таъсири белгиланганлиги, муайян шароит учун истиқболли сидерат экинлар ҳамда картошка ўргателнишар навлари аниқланганлиги, истисодий самарадорлиги ҳисобланганлиги, амалиётга таъсия яратилганлиги ва фермер хўжаликларига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилояти суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида картошка телнишар ва ўргателнишар навларини турли ёзги ҳамда кузги сидерат экинлардан сўнг баҳолаш, истиқболли нав, сидерат экинларни ажратиш, улардан юқори ва сифатли соғлом уруғбон ҳосил олишга имкон берувчи агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

фермер ва томорка хўжаликлари учун “Қартошқачилиқда қўлланиладиган сидерат экинларни яшил масса ва уруққа еттиштириш ва қартошқачилиқда сидерат экинлардан фойдаланишга оид тавсиялар” ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиқ вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 02/029-76-сон маълумотномаси) ва турли сидератларни ҳамда картошка турли навларини еттиштириш технологиясини мақбуллаштириш бўйича зарур тавсиялар берилган ва услубий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

истиқболли кузги сидерат экинлар (*горох, кўк хантал, горох+мойли турл*) сўнг қартошқачилиқ ўргателнишар Arizona, Kondor, Saviola ва Бардошпи-3 навлари Якабоб тумани “Уйғур” фермер хўжалигида 9,0 гектарда, “Қосимов Йўлчи Кучкарович” фермер хўжалигида 4,5 гектарда, “Шахрисабз-Адолат қизи” фермер хўжалигида 5 гектарда, жами 18,5 гектар майдонда жорий этилди (Қишлоқ хўжалиқ вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 02/029-76 – сон маълумотномаси). Шунда ҳар гектардан ҳосилдорлик назорат (кузги шудгор) га нисбатан қўшимча 8,5-12,4 т/га ҳосилдорлик, 8,6-15,2 млн. сўм соф даромад ва 17,0-32,2% рентабелликка эришилган;

ажратилган ёзги сидерат экинлар (*горох, кўк хантал*) дан сўнг қартошқачилиқ ўргателнишар Бахро-30, Arizona ва гезиншар Қувонч-1656 м навлари Якабоб тумани “Уйғур” фермер хўжалигида 6,0 гектарда, “Қосимов Йўлчи Кучкарович” фермер хўжалигида 4,0 гектарда, “Шахрисабз-Адолат қизи” фермер хўжалигида 6,0 гектарда, жами 16,0 гектар майдонда жорий этилди (Қишлоқ хўжалиқ вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 02/029-76 - сон маълумотномаси). Натижада ҳар гектардан 6,3-11,1 тонна қўшимча ҳосилдорликни, 5,9-12,4 млн. сўм соф даромад ва 16,4-24,4% юқори рентабеллик даражаси таъминланган;

Шахрисабз тумани “Юсупова Шаҳзода Ю.” Фермер хўжалигида кузги сидератлар (*кўк хантал, горох+мойли турл билан аралаш ҳолда экилан*) дан сўнг қартошка Sante, Saviola ва Бардошпи-3 навлари 7,2 гектар майдонда, ёзги сидерат (*горох ва кўк хантал*) экинларидан сўнг қартошка ўргателнишар Sante ва Arizona навлари 2,4 гектар майдонда жорий этилди (Қишлоқ хўжалиқ вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 02/029-76 - сон маълумотномаси). Натижада шудгор (назорат)га нисбатан 5,5-11,5 т/га қўшимча ҳосилдорликни,

6,6-13,7 млн. сўм соф даромадин ва 20,0-28,0% рентабелликни таъминлади. Ёши сидератларда тоза шулғор (назорат)да ҳосилдорлик 17,7-22,0 т/га, сидератларда эса ҳосилдорлик 5,5-6,1 т/га, соф даромад 6,6-11,5 млн. сўм, рентабеллик 18,7-28,0% га юқори бўлишига эришилган;

илохотнинг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитидаги фермер хўжаликларида мақбул сидерат экнлар ва картошка навларини тўғри танлаш ҳамда кенг жорий этиш Қашқадарё илохоти Ўлкабоғ (34,5 га) ва Шахрисабз (9,6 га) туманлари фермер хўжаликларида 44,1 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиқ вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 02/029-76 - сон маълумотномаси). Ушбу илмий тадқиқот ишлар натижасида ҳар гектардан 28-30 т/га дан юқори ҳосилдорликка эришилди, 5,9-13,7 млн. сўм қўшимча даромад ва 16,4-28,0% рентабелликни таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробишиси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ҳар йили СамВМИ махсус комиссияси ва республика Қишлоқ хўжалиқи вазирлиқи ҳузурнда Қишлоқ хўжалиқида билем ва инновациялар миллий маркази мутахассислари томонидан синовдан ўтган ва исқобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари Самарқанд ветеринария медицинаси институти профессор-ўқитувчилари илмий ҳисобот конференцияларида, 3 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларида ҳамда Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси кафедрасининг кенгайтирилган йиғилишида (2021) тингланган, муҳокома этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 6 та хорижий журналларда, 5 та мақола халқаро конференция тўғашларида, 2 та республика илмий-амалий конференцияси тўғашларида илмий иш чоп этилган. Шунингдек, 2 та тавсиялар нашр этилган.

Диссертациянинг тузиллиши ва ҳажми. Иш кириш, 6 та боб, ҳузосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетдан ташқил тошган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратида дунё деҳқончилигида картошқаччиликни етакчи тармоқлиги, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда картошка етиштириш ҳажмининг оширишда сидерат экнлардан фойдаланишда илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарблиги баён қилинган. Тадқиқотнинг мақсади, вазиқалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатишган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари берилган, олинган натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг “Сидерат экиларнинг картошкачиликда ўрнатилганлиги бўйича илмий намуналар шарҳи” деб номланган бировчи бобида маъму бўйича олиб берилган илмий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, турли муддатдаги сидерат экишларини биомасса ва уруғлик учун ўстиришда қулай экин муддати ва меъёрларини аниқлаш, уларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда ҳамда ўтмишдош ва сидерат экишларининг картошка турли навалар қисмида ўсиши, ривожланиши, касалланиш даражаси, ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатига таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш зарурлиги келтирилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот жойи, шароити, объекти, йўналишлари ва услублари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб берилган Қашқадарё вилоятининг тирик бўз тупроқ ва иқлим шароитлари, тадқиқот объекти, йўналишлари, услублари, тадқиқ қилинган сидерат экишлар ва картошка навларининг тавсифи ҳамда ўтказилган агротехник тадбирлар келтирилган. Таъриба далада тупроғи қадимдан суғориладиган тирик бўз тупроқ, ер ости сувлари 6-8 метр чуқурида жойлашган, механик таркиби ўрта қўмоқ, гумус миқдори (0-30 см) 0,093-1,15%, тупроқ ҳажм массаси 1,27-1,31 г/см³, солиштирма массаси 2,6-2,7 г/см³, 0-30 см ҳайдов қатламда ялли азот 0,094-0,093%, умумий фосфор 0,144-0,163%, калий 2,6-2,9%, нитрат шаклидаги азот миқдори 5,14-6,51 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 17-27 мг/кг, алмашинувчан калий 287-307 мг/кг ни таъкил этганлиги аниқланган. Олинган маълумотларда ушбу озмика элементлар миқдори тупроқнинг ҳайдов ости қатламида бироз камлиги аниқланган.

Тупроқ ҳайдалма қатламдаги гумус - И.В.Тюрин, ялли азот, фосфор, калий - И.М.Мальцева, Л.П.Гриценко, нитрат азоти - Гранвальд-Ляжу, аммоний азоти - Несслер, тупроқнинг механикавий таркиби - Н.А.Качинский, ҳаракатчан фосфор - В.П.Мачигин, алмашинувчан калий - П.В.Протасов усулида; тупроқ сув ўтказувчанлиги металл халқа ёрдамида С.И.Долгов ва С.Н.Рыков, тупроқнинг намлиги термостат усулида;

Таърибада сидерат экишлари турли тул сон қилинликлари, экин муддатлари ўрнатилган ҳамда экишнинг оптимал тул сон ва муддатлари аниқлаб олинган. Экилган картошка навларининг ривожланиш фазалари, биометрик ўлчовлари, бир тулда барглар, поялар, ён шохлари ва туганак ҳосили, туганаклар соми, ўртача бир туганак вази ияхсуудорлиги бўйича ўлчашлар ўтказилган. Картошка навларининг ҳосилдорлиги ҳисобланиб, товар ва уруғбон ҳосил чиким ва қўпайиш коэффициенти, таъриба вариантлари бўйича туганакларнинг уруғлик сифати (вирусли касалликлар билан зарарланиш ва айниган туганаклар чикими ҳамда кейинги йилдаги репродукция ҳосилдорлиги бўйича) аниқланган. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари Microsoft Excel компьютер дастурида Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича статистик қайта ишланиб, дисперсион таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “Турли ёзги ва кузги сидерат экишларининг ўсиши, биомасса ҳосилдорлиги, тупроқ унумдорлигига таъсири ҳамда уруғликка етиштириш хусусиятлари” деб номланган учинчи бобида ёзги сидератлар октябрь ойининг 2-декадаси охирида гороҳ, раис ва кўк хантал гуллаш, арпа бошоқлаш фазасига, мойли тул тулбарг ҳосил қилиб ўсиб, ривожланди. Ёзги

сидерат экинларини 1 м² даги туپ сон халлиниги рапеда-556,2, мойли турпеда-467,3, арпада- 479,1, горохда-103,4, кўк ханталда-414,0 ва горох+мойли турпеда-463,0 дона, ўсимлик бўйи рапеда-83,2, мойли турпеда-99,7, арпада-71,6, горохда-98,6, кўк ханталда-108,3 ва горох+мойли турпеда-102,3 см га тенг бўлди.

1-жадвал

Сидерат экинларнинг ўсиши ва ҳосилдорлиги

№	Сидерат экинлар тури	Ёлғи сидерат бўйича				Кузги сидерат бўйича			
		Урғача 1м ² да ўсимлик туپ сон, дона	Ўсимлик бўйи, см	Ҳосилдорлик, т/га		Урғача 1м ² да ўсимлик туپ сон, дона	Ўсимлик бўйи, см	Ҳосилдорлик, т/га	
				кўк масса	курук масса			кўк масса	курук масса
		Биомассани тушроққа ҳайати 24-25. X, 2016-2018 й.				Биомассани тушроққа ҳайати 02-05. IV, 2017-2019 й.			
1	Рапе	556,2	83,2	22,6	4,3	473,0	115,0	28,1	5,6
2	Мойли турпе	467,3	99,7	30,2	6,0	481,2	122,5	35,1	7,0
3	Арпа	479,1	71,6	19,3	3,8	356,0	87,7	22,3	4,4
4	Горох (кўк илғам)	103,4	98,6	23,6	4,7	198,7	202,6	37,3	5,8
5	Кўк хантал	414,0	108,3	25,9	5,2	477,7	219,6	29,6	5,9
6	Горох+мойли турпе	463,0	102,3	29,3	5,8	489,8	215,3	32,3	6,5

	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
$S_{\Sigma} = (\%)$	2,07	2,15	3,86	1,06	1,33	1,35
$\frac{S_{\Sigma}}{S_{\Sigma \text{с.т.н.}}}$	0,51	0,56	0,77	0,51	0,77	0,41

Кузги сидерат экинларида рапе, кўк хантал, мойли турпе тулбар ва горох майсалаш фазасида, арпа эса тушлаш фазасида қилини тиним даврини ўтади. Кузги сидератларнинг 1 м² даги туپ сон қилиниги рапеда-473,0, мойли турпеда-481,2, арпада-356,0, горохда-198,7, кўк ханталда-477,7 ва горох+мойли турпеда-489,8 дона, ўсимлик бўйи рапеда-115,0, мойли турпеда-122,5, арпада-87,7, горохда-207,6, кўк ханталда-219,6 ва горох+мойли турпеда-215,3 см ни ташкил этди.

Ёлғи сидерат экинларида биомасса ҳосилдорлиги 19,3-30,2 т/гани, мойли турпе экинларида ҳосилдорлик 30,2 т/гани, горох+мойли турпе аралаш ҳолда экинларида 29,3 т/гани ташкил этди. Кузги сидерат экинларида биомасса ҳосилдорлиги 22,1-35,1 т/гани ташкил қилди. Энг юқори биомасса ҳосилдорлиги мойли турпе экинларида 35,1 т/гани, нисбатан юқори биомасса ҳосилдорлик (29,6-32,3 т/га) горох+мойли турпе аралаш ва кўк хантал соф ҳолда экинларида қайд этилди (1-жадвал).

Туран сидератларининг қадимдан суғориладиган тиник бўз тушроқлар агрофизиксавий хоссаларига таъсири. Ёлғи сидерат экинлар биомассаси қўлланилганидан сўнг картошка пайқалида сидерат вариантларида 0,25 миллиметрдин йирик макроагрегатлар улуши назорат(кузги шудгор)га нисбатан 0-10 см. ҳайдов қатламда 3,0-7,3% га, 10-30 см. ҳайдов қатламда 3,8-9,8% га ертик эканлиги аниқланди. Энг юқори (17,7-21,6%) назоратта нисбатан кўп (>0,25 мм) макроагрегатлар улуши горох+мойли турпе экинларида кузатилади. Кузги муддатда сидерат экин горох+мойли турпе аралаш экинларида >0,25 мм макроагрегатлар улуши (0-30 см) 19,8-25,9% ни ёки назоратта нисбатан 8,2-13,0% га зида бўлди. Горох, кўк хантал соф ҳолда экинларида 18,3-25,3% ёки назоратта нисбатан 6,7-12,4% га кўп бўлди.

Туран муддатларида сидерат экинлар уруғини ерга экин олдида ва сидерат экинлар биомассаси тушроққа ҳайлаб ташланганидан сўнг картошка

навлари бўйича ўсув давларида 1-чи ва охириги сугорилиш олдидан сидерат вариантларида дала шаронгида туپроқ ҳайдов қатламда ҳажм массасининг ўзгариши аниқланди. Урганган картошка навлари ўсув даврида 1-сугорилиш олдидан тиник бўз туپроқлар 0-20 ва 20-30 см ҳайдов қатламида ҳажм масса 1,25-1,26 ва 1,29-1,31 г/см³ ни ташкил этди. Сидерат экин гороҳ+мойли турли аралаш, гороҳ ва кўк хантал соф ҳолда экилиб, биомассаси сидерат қилиб қўлланилгандан сўнг ўрганган картошка навлари ўсув даврида туپроқ ҳайдов қатламида ҳажм массанинг назорат (кузги шудгор)га нисбатан 1,25 ва 1,29-1,30 г/см³ ёки 0,02 ва 0,05-0,04 г/см³ га камайиши аниқланди. Охириги сугорилиш олдидан туپроқ ҳайдов қатлами (0-20 ва 20-30 см) да ҳажм массани энг кам ортиши (1,26 ва 1,30 г/см³) гороҳ ва кўк хантал соф ҳамда гороҳ+мойли турли аралаш ҳолда экилганда кузатилади ва назорат(кузги шудгор)га нисбатан 0,04 ва 0,05 г/см³ га камайишини аниқланди.

Турли кузги сидерат экинлардан сўнг картошка ўрталашинишар Sante, Kondor, Arizona, Saviola ва Бардошли-3 навларида ўрганганда ҳам юқоридаги қонуниятлар кузатилиб, картошка навлари ўсув даврида 1-сугорилиш олдидан гороҳ+мойли турли аралаш ҳолда сидерат сифатида қўлланилганда туپроқ ҳайдов қатлами (0-20 ва 20-30 см)да ҳажм масса 1,23 ва 1,27 г/см³ ни ёки назорат (кузги шудгор)га нисбатан 0,05 ва 0,07 г/см³ гача камайишини таъминлади. Гороҳ ва кўк хантал соф ҳолда сидерат сифатида қўлланилгандан сўнг саналган картошка навлари ўсув даврида 1-сугорилиш олдидан туپроқ ҳайдов қатлами (0-20 ва 20-30 см)да ҳажм масса 1,24 ва 1,28 г/см³ гача камайишини аниқланди ва назорат(кузги шудгор)га нисбатан 0,04 ва 0,06 г/см³ га камайди. Сидерат учун гороҳ+мойли турли аралаш ҳолда қўлланилгандан сўнг ўрганган картошка навлари ўсув даврида охириги сугорилиш олдидан туپроқ ҳайдов қатламида ҳажм масса 1,24 ва 1,28 г/см³ ни ёки назорат (кузги шудгор)га нисбатан 0,06 ва 0,07 г/см³ га энг кўп камайишини таъминлади. Кузги муддатда сидерат сифатида гороҳ ва кўк хантал соф ҳолда экилганда картошка навлари бўйича охириги сугорилиш олдидан ҳайдов қатламда ҳажм масса 1,25 ва 1,29 ёки 0,05 ва 0,06 г/см³ га камайишини аниқланди.

Турли сидератларнинг қадимдан сугориланган тиник бўз туپроқлар шаронгида бегона ўтлар ва ёмғир чувалчанглари сонига таъсири. Тажириба даласида кўпроқ кўп йиллик инкиналлин бегона ўтлардан: кўйпечак (*Convolvulus arvensis* L.), янтоқ (*Alhagi Adans* L.), кашшарбеда (*Melilotus officinales* L.), зубтутрум (*Plantago major* L.), откулок (*Rumex acetosella* L.), кўп йиллик бирпаллалилардан: саломалайкум (*Cyperus rotundus* L.), ажрик (*Cynodon dactylon* L. Pers.), бир йиллик инкиналлалилардан: семизўт (*Portulaca oleracea* L.), курғана (*Sisymbrium loeslii* L.), бурчок (*Lathirus sicera* L.), бир паллалилардан: куён арпа (*Hordeum leucogram Link.*), ёввойи арпа (*Hordeum spontaneum* C. Koch) ва бошқалар бегона ўтлардан учради. Парзент ўсимликлар турли сидерат экинлар ва картошка пайқалимда аниқланмади. Рапс, мойли турли арпа, гороҳ (кўк нўхат), кўк хантал соф ҳолда ва гороҳ (кўк нўхат)+мойли турли аралаш ҳолда экилиб, сидерат сифатида фойдаланилганда бегона ўтлар унумчан уруғларининг камайишида аллелопатик таъсир билан боғлиқлиги қайд қилинди.

Ёлги сидерат экинлардан сўнг картошка навлари ўсув даврида 1 м² ҳайдов қатламда гороҳ+мойли турли аралаш экилганда ёмғир чувалчанглари сонга (март

ойи 107,9, апрель ойи 319,0, май ойи 498,7 донага) ортинги энг юкори бўлиб, назорат (кузги шудгор)га нисбатан тегишлича: 76,1; 261,0; 416,7 донага кўп; мойли турп, горох, кўк хантал ва рапе соф ҳолда экилганда 84,0-98,8; 286,6-295,6; 386,0-476,0 донага ортиб борганлиги кайд этилди. Кузги сидерат экинлардан сўнг ўрғанилган картошка навларига ҳам юкоридаги конуниятлар кузатилиб, картошка навларининг ўсув даврида сидерат вариантларида 1 м² тулрок хайдов қатламиди ёмғир чувалчанглари сонни ойлар бўйича тегишлича: 132,0-164,5; 395,5-467,5; 428,9-617,8 донага ташкил этиб, назорат (кузги шудгор)га нисбатан апрель-май ойи 68,8-101,3; июнь ойи 280,4-380,9; июль ойи 330,8-519,7 донага кўп бўлганлиги аниқланди. 1 м² тулрок хайдов қатламиди ёмғир чувалчанглари сонини энг кўп ортинги сидерат экин горох+мойли турп аралаш ва мойли турп соф ҳолда экилганда кайд этилиб, назорат (кузги шудгор)га нисбатан апрель-май ойи 164,5-159,5 ёки 101,3-96,3 донага, июнь ойи 467,5-448,7 ёки 380,9-362,1 донага, июль ойи 617,8-582,5 ёки 519,7-484,4 донага кўпайиб борганлиги кузатилади.

Турли сидератларнинг қадимдан сугориладиган тиниқ бўз тулрок унумдорлик хоссаларига таъсири. Турли муддатларда сидерат учун горох соф ва горох+мойли турп аралаш ҳамда кўк хантал ва рапе соф ҳолда сидерат қилиб қўлланилганда гумус (1,17-1,22 ёки 0,01-0,03%) миқдори ортиб боришига, сидерат арпа ва мойли турпга қараганда тулрокда кўлрок чиринди тўпланишини таъминлади. Сидератлар аралаш экилганда C:N нисбати кулай бўлиб, ўсимлик массасининг гумификацияланганини ортди. Кузги ва ёзи муддатларда сидерат экин горох соф ҳолда экилганда N-NO₃ (12,38-33,56 мг/кг) миқдори энг юкори, нисбатан кўп (12,35-31,54 мг/кг) тўпланиши сидерат экин қилиб горох+мойли турп экилганда кузатилади. Тулрок таркибиди ҳаракатчан фосфорини энг кўп (31,37-43,25 мг/кг) тўпланиши рапе ва кўк хантал соф ҳолда, горох+мойли турп экилганда кайд этилди. Ёзи ва кузги муддатларда сидерат экин рапе, кўк хантал, мойли турп ва горох+мойли турп аралаш ҳолда экилиб, биомассаси сидерат қилиб қўлланилгандан сўнг тулрок хайдов қатламиди K₂O миқдорини 310,7-326,2 мг/кг га энг кўп ортиб боришини таъминлади.

Кузги ва баҳорги сидерат экинларини уруғлик учун етиштириш ва уруғ хосилдорлиги. Юкори сифатли уруғ хосили етиштиришида кузги муддатда кузги рапе - 6,5-8 кг/га; арпа-150 кг/га; горох (кўк ифхат)-65 кг/га; мойли турп-15 кг/га; кўк хантал-5-6 кг/га меъёрларда экилди, уруғлик учун кузги рапе, арпа, мойли турп ва кўк хантал уруғларини кузги муддатда 20-24; горох (кўк ифхат) уруғини 15-20 октябрғача, арпа баҳорда 7-10 февралғача мавжуд экин чуқурлигида экиб, 450-500 м²/га меъёрда сугорилди. Кузги муддатда рапе, мойли турп, арпа, горох ҳамда кўк хантал, баҳорги муддатда рапе ва кўк хантал уруғ учун экиб ўрғанилганда, уруғ хосилдорлиги рапеда-22,7-24,3 п/га, кўк ханталда-17,8-19,6 п/га, мойли турпда-22,0-23,5 п/га, горохда-26,7-28,6 п/га, арпада-83,0-85,1 п/га.ни ташкил этди. Рапе ва кўк ханталга баҳорги муддатда нисбатан кузги муддатда экилганда кўшимча 7,2-7,6 ва 4,3-5,1 центнерга кўп уруғ хосили олишни таъминлади.

Диссертациянинг "Ёзи сидерат экинларининг картошка тезинишар ва ўртатежинишар навларининг ўсини, хосилдорлиги ва уруғлик сифатига таъсири" деб номланган тўртинчи бобида фенологик кузатишлар, картошка навларини ўсини ва ривожланиши, турли сидератларининг картошка ўсимлиги

биометрик үлчеш күрсаткичлари, ҳосилнинг шаклланиши ва махсулдорлиги, ҳосилдорлиги, товар ҳамда уруғбой ҳосил чiqоми ва кўпайиш коэффициенти, туганақлар уруғлик сифатига таъсири бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Ёзги сидератларда ўрғанилган картошка навлари униб чиқиш экилгач 11-20 кунлари кузатилиб, уруғлик туганақларда дала унучанлиги 97,5-99,8% ни ташкил этди. Назоратга нисбатан сидерат вариантларида навлар бўйича уруғлик туганақларнинг дала унучанлиги 2,2-2,7% юқори, униб чиқиш 2-7 кун, шовалаш 2-3, гуллаш 1-5 кун олдан кузатилиб, ўсув даври 3-10 кунга узайди. Ўрғанилган картошка навлари бўйича энг юқори дала унучанлик (98,8-99,9%), униб чиқиш (6 кун олдин), шовалаш ва гуллаш (2-5 кунга кўп) ҳамда ўсув даври давомийлиги (7-10 кунга узун) сидерат горох қўлланилганда, сидерат учун горох+мойли тури ва кўк хантал соф ҳолда экилганда назоратга нисбатан дала унучанлик 2,7-3,2% га, униб чиқиш 2-6 кун олдин, шовалаш ва гуллаш 3-4, ўсув даври 6-8 кунга узайганлиги аниқланди.

Ёзги сидератлардан сўнг ўрғанилган картошка картошка тезпишар Кувонч-1656 м навн, ўртатегишар Sante, Kondor, Бахро-30, Arizona ва Бардошли-3 навларнинг ўсиши, ривожланиши ва ўсув органлари (поя, барг ва ён шохлари)ни ҳосил бўлиши ўрғанилганда назорат (кузги шудгор)га нисбатан навлари бўйича ўсув даврининг 30-кунги ўсимлик бўйи 32,6-44,0 еки 1,9-10,6 см.га узун бўлса, бу күрсаткич ўсув давриларининг кейинги 40-70-кунлари ҳар ўн кунда 4,2-17,0 см.га бўйчанлиги қайд этилди.

Сидерат экин қилиб горох соф ҳолда экилганда назорат (кузги шудгор)га нисбатан ўсув даврининг 30 кунги ўсимлик бўйи 5,4-10,6 сантиметрга узун бўлса, ўсув даврининг сўнги 40-70-кунлари ҳар ўн кунда ўсимлик бўйи ўртача 10,1-17,0 см.га бўйчанлиги аниқланди. Горох+мойли тури аралаш ва кўк хантал соф ҳолда экилганда назорат (кузги шудгор)га нисбатан картошка навлари бўйича ўсимлик бўйи ўсув даврининг 30 кунги 34,6-43,8 ёки 3,9-10,4 см.га узун бўлса, ўсув давриларининг кейинги 40-70-кунлари ҳар ўн кунда ўртача 7,5-14,3 см.га ўсимликлар бўйи узун бўлагини қайд этилди.

